

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 1430-ҳадис

1430/3513 – عَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ عَلَى

الْمِنْبَرِ: غَفَاؤُ غَفَرَ اللَّهُ لَهَا، وَأَسْلَمَ سَأَلَهَا اللَّهُ، وَعُصِيَّتْ عَصَتِ اللَّهُ وَرَسُولُهُ.

1430.3513. Абдуллоҳ розияллоҳу анҳу хабар қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам минбарда туриб: **«Аллоҳ Гифорни мағфират қилсин! Аллоҳ Асламни тинч-саломат қилсин! Усайя эса Аллоҳ ва Унинг Расулига осийлик қилди»**, дедилар».

Изоҳ: Гифор – Кинона таркибидаги қабилалардан бири. Аслам – Бану Хузоъага мансуб қабила. Бу икки қабила Исломга биринчилардан бўлиб кирган. Усайяликлар эса хиёнат қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қори саҳобаларини ўлдиришган. Ҳадисда ҳар бир қабилага унинг номига ўзакдош феъл ишлатилган бўлиб, бу Набий алайҳиссаломнинг фасоҳат ва балоғатларидан гўзал бир намунадир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI